Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

ЎZBEKISTON OVOZI

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газетаси

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

1995 йил 22 июль, шанба. №88 (21.851.) Сотувда эркин нархда.

ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ, ЖИЗЗАХЛИК ҒАЛЛАКОРЛАРГА, БАРЧА ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Азиз биродарлар!

Давлатга 240 минг тонна ғалла сотиб, катта ғалабага эришган жиззахлик барча ғаллакорларни, қишлоқ меҳнаткашларини чуқур мамнуният билан табриклайман.

Жиззахликлар давлат хирмонига биринчи марта бундай катта миқдорда ғалла топширдилар.

Бу муваффақият сизларнинг мардонавор меҳнатингиз, ғаллачиликни янада ривожлантириш ўта муҳимлигини тўғри тушунганлигингиз натижасидир.

Сизларнинг ғалабангиз — жонажон Ўзбекистонимизнинг ғалла мустақиллигини мустаҳкамлайди ва олиб бораётган иқтисодий сиёсатимизнинг тўғрилигини тасдиқлайди. Шу билан бирга келажак фаровон ҳаётимизга асос солади.

Чин қалбдан сизларга, сизларнинг оила аъзоларингизга сиҳат-саломатлик, тинчлик, меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИГА, ҒАЛЛАКОРЛАРИГА, БАРЧА ҚИШЛОҚ МЕҲНАТКАШЛАРИГА

Пойтахт вилоятининг ғаллакорлари давлат омборларига 216 минг тоннадан кўпроқ дон етказиб бергани ҳақидаги хабарни эшитиб ғоят мамнун бўлдим.

Шу қадар рекорд миқдорда дон тайёрланиши — Ўзбекистоннинг ғалла ва иқтисодий мустақиллигини мустаҳкамлашга қўшилган муносиб ҳисса, Тошкент вилоятидаги барча қишлоқ меҳнаткашларининг фидокорона меҳнати натижасидир. Вилоят меҳнаткашлари республикамизнинг гуллаб-яшнаши ва фаровонлиги йўлида куч-ғайратларини ҳеч қачон аяган эмас.

Ғаллазорларнинг шонли меҳнатчилари, сизларга чин юракдан мустаҳкам соғлиқ, яхши кайфият, олижаноб меҳнатингизда янги зафарлар тилайман.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҒАЛЛАКОРЛАРИ ҒАЛАБАСИ

Тошкент вилояти деҳқонлари давлатга ғалла топшириш режасини бажардилар. Хирмонга 216 минг тоннадан кўпроқ дон уюлди. Суғориладиган ердан олинган ҳосил гектар бошига ўртача 31 центнердан кўпроқни ташкил этди.

Ғалла ўрим-йиғими давом этмоқда.

(ЎзА)

Донни йиққан — донодир

240 МИНГ ТОННА ҒАЛЛА ТАЙЁР!

Жиззахлик ғаллакорлар улкан ғалабага эришдилар. Вилоятда биринчи марта 240 минг тонналик хирмон уюлди. Дўстлик, Ғаллаорол, Мирзачўл, Зафаробод, Пахтакор ва Жиззах туманлари деҳқонлари бу ютуққа салмоқли ҳисса қўшди.

Ғалла ўрим-йиғими давом этяпти. Деҳқонлар етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмай йиғиштириб олиш, ялпи хирмонни 350 минг тоннага етказиш учун зўр ғайрат билан меҳнат қилмоқдалар.

(ЎзА).

САРА УРУҒ — ҲОСИЛ БЎЛИҚ

Республика Президенти Фармонлари ва ҳукумат қарорлари асосида республикада ғаллачиликни, айниқса буғдой етиштиришни кўпайтиришда барча имкониятлардан тўла фойдаланилмоқда,— деди Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг ғаллачилик бўлими мудири К. Турсунбоев.— Ўтган йили республика хўжаликларида ҳар гектар майдондан 8,2 центердан ҳосил олинган бўлса, хато ва камчиликлардан тегишли хулоса чиқариб, ҳосилдорликни бирмунча оширишга муваффиқ бўлдик. Бу йилги табиий қийинчиликларга, сув танқислигига қарамасдан 17 минг гектардан ошиқ майдондаги буғдой уриб олинди. Кунига 260-275 тонна буғдой янчилмоқда. Тўрткўл, Нукус, Хўжайли туманларида гектар бошига 20,5-21,7 центнердан буғдой янчиб олинди. Аммо бир қатор туманларда ҳосилдорлик камлигича қолиб кетмоқда. Бўзатов, Қораўзак, Шуманай ва бошқа туманларда ҳар гектар майдондан уриб-янчиб олинаётган буғдой 8,9-13,7 центнерга тўғри келмоқда.

Ғалла мустақиллигига эришмоқ учун биринчи навбатда сифатли уруғга алоҳида эътибор бериш талаб қилинади. Бу йил камида 15500 тонна буғдой уруғи тайёрлаш режалаштирилган. Амалда эса шу кунга келиб учдан бир қисмича уруғлик буғдой тайёрланди, холос. Қонликўл туманида 1493 тонна, Қораўзак, Тўрткўл туманларида 400-550 тонна уруғлик буғдой тайёрланган бўлса, Нукус туманида атиги 300 тонна, Қўнғирот туманида 120 тонна, Тахтакўпир туманида 110 тоннагина уруғлик буғдой тайёрланди, холос.

Сифатли уруғлик жамғаришни яхшиламасдан туриб, республикада ғаллачиликни ривожлантириш мумкин эмас. Шундай экан, Қорақалпоғистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ғалла мустақиллигини таъминлашда, деҳқончилик маданиятини яхшилашда сифатли уруғлик буғдой тайёрлашга алоҳида эътибор бериши зарур.

Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Наманган туманидаги «Зарбдор» корпорацияси деҳқонлари мамлакатимизнинг дон мустақиллигини таъминлашга муносиб ҳисса қўшиш учун ҳаракат қилишяпти. Бу ерда асосан пахта етиштирилади. Айни кунларда 547 гектар майдонга экилган ғўза ниҳоллари гуркираб ривожланмоқда. Ғўза баргини чилпиш ишлари қизғин.

Лекин ғаллакорларнинг ҳам айни долзарб палласи давом этаётир. 260 гектар ерга экилган бошоқли дондан мўл ҳосил кўтарилмоқда. Айниқса хўжаликнинг Ҳакимжон Бувамирзаев бошлиқ бригадаси аъзолари 19 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 60,8 центнердан ҳосил кўтаришгани қувончлидир.

Суратда: хўжаликнинг бир гуруҳ илғорларидан Ҳакимжон Бувамирзаев, Юсуфжон Иномов, Ҳошимбой Каримов, Абдусаттор Мамадалиев, Комилжон Аҳмадалиев, Ўктамжон Раҳимовлар ўрим-йиғимни янада тезлаштириш ҳақида маслаҳатлашмоқдалар.

Пўлат АКБАРОВ олган сурат.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҲАВО ФЛОТИ КУНИНИ БЕЛГИЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат қудратини ва иқтисодиётини мустаҳкамлашда, халқаро ва ички қатновни таъминлашда ҳаво флотининг муҳим аҳамиятини эътиборга олиб, Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси кўп минг кишилик жамоаларининг, ҳарбий-ҳаво кучлари ҳарбий хизматчиларининг ва ўқув юртлари профессор-ўқитувчилар таркибининг авиацияни, авиация саноатини ривожлантиришга ҳамда кадрлар тайёрлашга қўшган ҳиссасини назарда тутиб:

1. Август ойининг учинчи якшанбаси «Ўзбекистон Республикасининг Ҳаво флоти куни» этиб белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 82-моддасига мувофиқ ушбу масала Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига киритилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 21 июль.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

Савобли ишлар

ҲАЙДОВЧИНИНГ ҚАДРИ

• СИРДАРЁ (мухбиримиздан). Ёқубжон Қўрғонов Мирзачўлда қарийб 30 йил бульдозер ҳайдаб, экскаваторчилик қилди. Бироқ кейинги пайтларда соғлиғи ёмонлашиб, меҳнатга ярамай қолди.

Кекса экскаваторчи ёрдам сўраб Мирзообод тумани ҳокимлигига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Ҳокимлик Қўрғоновнинг сўзини ерда қолдирмади. Унинг оиласига ёрдам кўрсатилди. Жумладан, 4 минг сўм ёрдам пули ажратилди. «Москва» ширкатлар уюшмаси туй учун 2 қоп ун, 1 қоп гуруч, 25 килограмм пахта ёғи ҳадя этди. Туман ҳиссадорлик матлубот жамияти билан маданият бошқармаси ва бошқа жамоа ташкилотлари ҳам бу оилага саховат кўрсатди. Шу тариқа Ёқубжон Қурбонов хонадонида бошланган туй ҳам рисоладагидек ўтди.

Абдужалил УМАРОВ.

Хотира

МАКТАБГА НОМИ БЕРИЛДИ

• ЖИЗЗАХ. Ғаллаоролдаги олимлар қўрғонида жойлашган ўрта мактаб Шайзоқ Қорақулов номи билан аталадиган бўлди.

Ш. Қорақулов бу мактабни дунёга келишида ғайрат кўрсатган эди. Мактаб жамоаси, маҳалла аҳли меҳнатини инобатга олиб, билим масканини унинг номи билан аталишига розилик берди. 30 йил мобайнида туман қурилиш ташкилотларига раҳбарлик қилган, ҳожатбарорлик билан савобли ишларга қўл урган Шайзоқ Қорақулов номининг ҳурмат билан тилга олиниши ҳам шундан. Мактаб жамоаси Ш. Қорақуловнинг ҳаётига бағишланган ўзига хос музей ташкил қилишни мўлжалламоқда.

Пардабой ТОЖИБОЕВ.

Тиббиёт

САЛОМАТЛИК МАСКАНИ

• ҚАШҚАДАРЁ (мухбиримиздан). Вилоятда тиббиёт, спорт соғломлаштириш маркази иш бошлади.

Ўзига хос саломатлик мажмуи санаторий, жисмоний тарбия ҳамда хўжалик ҳисобидаги соғломлаштириш бўлимларидан иборат. Хусусан, саломатлигини мустаҳкамлашга келганларга машғулотлар саройи, сув ҳовузи ҳамда физиотерапия каби имкониятлар яратилади. Ҳозир бу ерда 55 нафар малакали мутахассис хизмат кўрсатмоқда.

Илҳом КАРОМОВ.

Лотерея

ОМАДИ ЧОПГАНЛАР

• ТОШКЕНТ. «Баҳор» концерт залида «Тошкент» хайрия лотереясининг ютуқлар тиражи ўйналди.

Жами 308.000 та ютуқ ўйналгани маълум бўлди. Омадлари чопиб, лотереяларига катта ютуқ чиққан марғилонлик К. Муйдинова, андижонлик О. Баҳриддинов, тошкентлик Р. Жалилова ва бошқаларнинг қувончлари чексиз эди.

Абдуқаҳҳор ШУКУРОВ.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАШҚИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

Узбекистон Республикаси ташқи ишлар вазирлиги Тожикистон Президенти Имомали Раҳмонов ва тожик мухолифати раҳбари Саид Абдулло Нурийнинг 1995 йил 19 июль куни Теҳронда ўтган учрашувида музокаралар жараёнини бундан буён ҳам давом эттириш ва Тожикистон муаммосини сиёсий мулоқот асосида ҳал этиш тўғрисида бир қарорга келинганини мамнуният билан қайд этади.

Шу муносабат билан Узбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонларнинг музокаралар жараёни ва Тожикистон Республикасида вазиятни барқарорлаштириш юзасидан сиёсий чиқишларни ишлаб чиқишга асос бўладиган ҳамда миллий сулҳ йўли сифатида маслаҳат органи тарзидаги Тожикистон ҳалқлари конгрессини чақириш тўғрисидаги аҳдлашувини табриклайди.

Узбекистон мазкур жараёнга Узбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1995 йил 3 апрель куни Тожикистон мухолифати раҳбарияти билан учрашувда жаноб Акбар Туражонзодага айтган таклифи асос қилиб олинганидан мамнунлигини изҳор қилади.

Конгресс чақириш тўғрисидаги бу таклиф кейинчалик Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котибининг Тожикистондаги махсус вакили жаноб Ромуро Пирис Баллонга етказилган ва у бу ташаббусни қуллаб-қувватлаган эди.

Узбекистон БМТ ҳомийлигида Тожикистондаги муаммоларни тинч йўл билан ҳал этишда изчиллик билан ҳаракат қилаверади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги.

Мухбиримиз бонг уради

ҲАФСАЛАСИЗЛИК ҲАМ ЭВИ БИЛАН-ДА!

Мамлакатимиз истиқлолга эришгандан буён халқимиз ўз ижтимоий-сиёсий ҳаётида бир вақтлар орзу қилиб келган ниятларига эришяпти. Айниқса, туб иқтисодий ислоҳотлар туфайли мулкчиликнинг янги шаклларига ўтилди. Хусусийлаштириш, мулк ўз эгасини топиши барча соҳада ривожланиш, мўл-кўлчилик бўлишини одамлар тушунмоқда.

Бухоро вилоятида ҳам Президентимиз Фармони асосида чорвачилик фермалари ҳиссадорлик жамиятларига айлантирилди. Хўш, бундан қандай самара кўриляпти, қишлоқдаги ҳиссадорларнинг аҳволи қандай? Бизни ана шу саволлар кўпроқ қизиқтирди.

Вобкент туманидаги Ал Бухорий номли жамоа хўжалиги раҳбарлари бундан бир ярим йил муқаддам хусусийлаштиришга дадил киришиб, бу борадаги ишларни энг аввало сут-товар фермасидан бошладилар. Қорамолчилик фермаси ҳиссадорлик жамиятига айланганди. 593 бош қорамол, шунга яраша ер, техника, бино — ҳамма-ҳаммасини ўз тасарруфига чўчимай олишди. Ҳиссадорлик жамияти раиси этиб тажрибали чорвадор ҳамда тадбиркор Иззат Самандаров сайланганди.

Ушбу «Неъмат» ҳиссадорлик жамияти ўтган бир йилда моллар сонини оширишга, соғин сигирлар маҳсулдорлигини кўпайтиришга эришди. Илгари айрим чорвадорлар озуқага кўз олайтиришарди, сигир қисир қолса, бузоқ нобуд бўлса ҳам азият чекмасди. Эндичи? Ҳеч ким бефарқ қарамайди. Мулк ўзиники. Шу боисдан ўтган айни қирчиллама қиш палласида ҳам жамият айрим ён-атрофидаги фермерларга ем-хашак сотди. Шаҳар касалхонасини, хўжаликдаги болалар боғчасини сут билан узлуксиз таъминлаб турди. Ҳиссадорларнинг ҳаммаси мамнун. Манфаатдорлик ошиб боряпти-да! Қаранг, чорвадор-ҳиссадор ҳар ойда гўшт, мой, емхашак билан (ишлаб чиқариш нархида) таъминланиб турилса, маоши ўз вақтида берилса яна тагин қувонч ҳам, ташвиш ҳам ўртада бўлганидан сўнг...

— Ҳиссадор бўлсак ҳам — дейди биз билан суҳбатда жамият бош ҳисобчиси Омон Нолуаллаев — жамоа хўжалиги билан алоқани узганимиз йўқ. Ўртада шартномамиз бор. Бошқарув ҳамиша кўмакка тайёр. Қудратимиз ҳам шундан-да.

Ҳа, ҳиссадорни ҳозирча қўллаш даркорлигини тумандагилар яхши англашади. Шундай бўлмаганда «Неъмат»нинг шуҳрати туманда шунчалик ошармиди? Ҳиссадорлар сутни қайта ишлайдиган, гилам тўқийдиган, тикувчилик цехларини очиш тараддудида эканлиги, ҳеч кимдан қарзи йўқлиги, даромад мўллигидан дарак эмасми?

Вилоятнинг Ғиждувон туманидаги «Муқимий» ҳиссадорлик жамияти фаолияти билан танишганимизда эса бунинг аксига дуч келдик.

— Ҳозир кимга қийин — ҳиссадорга қийин, — дейди жамият раиси Ислом Муқимов. Аравангни ўзинг торт дейишади-ю, ерни тўлиқ беришмайди. Маҳсулотни сўрашадию, ҳолинг қалай, деб сўрашмайди. Роса бошимиз қотган.

Муқимовнинг боши қотганича бор. Моллар охурида сомондан бошқа озуқа кўринмайди. 757 бош қорамол, шу жумладан, 348 бош соғин сигирнинг аҳволи хароб. Ҳар бир сигирдан 5,2 килограммдан сут соғиб олинса-да, бу ўтган йилнинг шу давридагидан кўп эмиш.

Дарҳақиқат, раиснинг таъкидлашича, бултур ҳар куни молларга 28 тонна кўк ўт бериларкан. Ҳозир эса бор-йўғи — 9 тонна. 597 шартли молга 269 гектар ер керак бўлади. «Зарафшон» жамоа хўжалиги бошқаруви эса ҳиссадорларга 133 гектардан зиёдроқ майдонни берган, холос. Шунинг 109 гектари эски ўт, 6 гектари янги ўт, 18 гектари лавлаги экилган майдон. Беданинг биринчи ўроғини фитономус ебди. Қишлов учун на сенаж, на силос бостиришнинг иложи ҳанузгача бўлгани йўқ. Дондан бўшаган майдонларга қачон маккажўхори экиладию, қачон ўрилиб, қачон силос босилади? Қишлов учун камида 1000 тонна сомон, шунча силос, сенаж, дағал хашак талаб этиларкан...

«Муқимий» раиси билан «Зарафшон»нинг раиси юзма-юз бўлишганда муаммонинг тугуни топилгандай бўлди. Жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Қурбон Рўзиевни режа, алмашлаб экиш масъулияти тинчитмайди.

— Биласизми, менга қолса, ҳамма ерни ҳиссадорларга берардим, — дейди у. — Аммо эплашолмайди улар. Бунинг устига мендан пахта, дон, макка, сабзавотни талаб қилишади, ер эса ҳисобли.

Ҳиссадорлар сардори эса ҳақини талаб қилади, ерни беринг, кейин кўрасиз, ёрдамингизсиз ўзимиз ҳаммасини эплаймиз, дейди қатъий. Аслида-чи? Аслини олганда техника, ишчи кучи етарли, жамоа ишчан. Хўш, яна нима керак? Фақат раислар бир-бирларига «ҳукм»ларини ўтказишмаса бас. Шунда «Зарафшон»нинг дастурхонидаги барака қочмайди, элнинг оғзи сут, қатиқ, мой, гўштга тўйинади.

Ер муаммоси шу тумандаги Хўжаев номли жамоа хўжалигида ҳам ҳал этилмаган. Хўжаликдаги «Феруза» ҳиссадорлик жамияти раиси Ҳаким Жалилов гарчи анча йилдан буён чорвачилик билан шуғулланаётган бўлсада, «Тилингни авайла, омондир бошинг, сўзингни авайла, узаяр ёшинг», деган нақлга амал қилиб, бошқарувдан талаб қилишга уринмайди. 627 бош молга 250 гектар ер ажратилиши лозимлигини билса-да, 111 гектар билан кифояланяпти. Унинг таъбирича, яйлов бўлмаса чорва ривожланмайди. Ерни олсак, техника, эҳтиёт қисм етишмайди. Яхшиси, хўжалик озуқа етиштирсин — сотиб оламиз.

Шу ақида билан ишлаш оқибатида сут соғиб олиш камайиб боряпти. Қишловга ҳозирликдан эса дарак йўқ. Қарзларни ундириб олиш, ҳиссадорларни маош билан таъминлаш ҳам муаммолигича қолиб кетяпти.

Ромитан туманидаги «Қалайчорбоғ» жамоа хўжалигидаги наслчилик фермаси бултур май ойида ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган. Биз «Наврўз» деб номланган ҳиссадорлик жамиятида бўлганимизда дилимиз анча хира тортди. Наслли моллар етиштириб берувчи бу фермада наслчиликдан ном-нишон қолмаган. Шу боис кейинги йилларда хўжалик туман фермаларига бирорта ҳам зотли мол сотмаган. «Зотли» сигирлар эса 5,4 килограммдан сут беришдан нарига ўтмаяпти. Сабаби моллар емишдан ёлчимаяпти. Кўк ўт, ширали озуқа йўқ.

Ҳиссадорлик жамиятининг раиси Камол Бақоев ҳам ерни рўкач қилади. Хўжалик бошқаруви раиси Иноят Жабборов, бош ҳосилот Жамол Бозоровлар ферманинг эгаси бор-ку, дегандек, хотиржам. Шундай бўлмаганда ҳосилдор 6 гектар бедазор бузилармиди? 2 гектар лавлаги кеч экилармиди? Маккажўхори экиш пайсалга солинармиди? Энди айтинг, ҳиссадорга осонми? 360 бош қорамолнинг тақдири қишда нима кечади? 138 гектар ер ҳиссадорларга тўлиқ берилмагани хўжалик раҳбарлари, туман раҳбарларининг ҳали жиловинг менинг қўлимда, ортимдан юраверасан, дегани эмасми? Ахир, бу ислоҳотларга тўғаноқликдан бошқа нарса эмас-ку!

Мамлакатимизда инсонпарварлик, ҳуқуқий давлат қуриш, мустақилликни мустаҳкамлаш йўлида меҳнат қилинаётган бир пайтда ҳиссадорларни қўллаб-қувватлаш, уларга равон йўл кўрсатиш ҳам фарз, ҳам қарз. Бу эса жойлардаги туман ҳокимларининг ҳафсаласига боғлиқ. Ҳафсаласизлик ҳам эви билан-да!

Даврон БАҲРОНОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

Партия ва ҳаёт

ҚУЙИ БЎҒИНГА ЭЪТИБОР

ЎзХДП Андижон шаҳар кенгаши бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини такомиллаштиришга жиддий эътибор бермоқда. 202 та бошланғич партия ташкилоти иши халқимиз ҳаёти билан ҳамоҳанг бўлиши таъминланмоқда. «Андижон», «Яхши», «Бирлик», «Саъдий» номли маҳаллалардаги, «Ҳумо» ҳиссадорлик жамияти, «Наврўз», «Нур» саноат савдо бирлашмаларидаги бошланғич ташкилотлар бажараётган ишлар диққатга сазовор.

Қуйи бўғин фаолларининг ташаббуси билан жамоа ва аҳоли ўртасида турли мавзуларда тадбирлар ўтказиляпти. Мустақил мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармонларининг аҳамияти, мулкчиликнинг янги шакллари қарор топиши, партия ҳаёти ҳақидаги оммавий-сиёсий, тарғибот-ташвиқот тадбирлари мунтазам амалга оширилянти.

Халқ ичида бўлиш ХДП бошланғич ташкилотларининг омма ўртасидаги обрўсини оширмоқда. Кўпчилик тақдирини ХДП билан боғлаш истагини билдиряпти. Бундай ниятли кишиларнинг муносиблари партия аъзолигига қабул қилинмоқда. Йилнинг ўтган даврида 313 киши ХДП сафига қўшилди.

ХДП Андижон шаҳар кенгаши тажрибаларни оммалаштириш, олдинда турган вазифалар кўламини белгилаш мақсадида Андижон шаҳридаги 2-шифохона бошланғич партия ташкилоти фаолияти базасида қуйи бўғин ташкилотлари котибларининг семинар-кенгашини ташкил этди. Унда Андижон шаҳридаги корхона, ташкилот, муассаса, ва маҳаллалар бошланғич ташкилотларининг котиблари қатнашдилар. Йиғин иштирокчилари ҳузурида ХДП Андижон вилояти кенгашининг биринчи котиби, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутати Р. Мухторов, Андижон шаҳар кенгашининг биринчи котиби З. Шокировалар партия ҳаёти, бошланғич ташкилотлар фаолиятини жонлантириш, юртбошимиз И. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» номли китобини кенг тарзда ўрганиш хусусида маъруза қилдилар. 2-шифохона ХДП бошланғич ташкилотининг котиби Ш. Тошматов ўз тажрибалари билан ўртоқлашди.

Семинар-кенгаш якунида қатнашчилар томонидан ХДП бошланғич ташкилотлари фаолиятини фаоллаштириш, тадбирлар таъсирчанлигини ошириш ҳақидаги таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Сирдарё туман партия ташкилотларидан хабарлар

САФЛАР КЕНГАЙМОҚДА

Сирдарё туманида ХДП аъзолари сони тобора ортиб боряпти. Турли ёшдаги, турли касб эгалари партия сафига қабул қилишларини сўраб ариза ёзмоқдалар.

Жорий йилнинг ўтган ойлари мобайнида туманда 150 нафардан зиёд киши ХДП сафига қўшилди. Улар орасида «Сирдарё» ширкатлар уюшмасидан механизатор Ғайбулла Зулпонов, бригада бошлиғи Дилшод Ясаков, ўқитувчи Шаҳло Нажмуллаева, Бахт шаҳридан мусиқа мактаби ходими Донақул Абдужабборов, Жуман Маманов номли жамоа хўжалигидан чорвадор Акбар Ҳасанов ва бошқалар бор.

Яқинда эса Сирдарё шаҳар нон комбинати илғор ходимларидан бир гуруҳи ҳам Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзолигига қабул қилиндилар.

ОШКОРАЛИК КЎРИГИ

ЎзХДП Сирдарё туман кенгашининг ижроия бюроси қарори билан ошкоралик кўриги ўтказиладиган бўлди. Ўзбекистон Республикаси мустақиллиги байрами ва Ўзбекистон Халқ демократик партияси ташкил этилганлигининг тўрт йиллиги шарафига бағишланадиган кўриккá июль ойида якун ясалади.

Бюро йиғилиши ушбу тадбирни ўтказиш бўйича туман партия кенгаши комиссияси таркибини тасдиқлади. Комиссия аъзолари асосий эътиборни ахборот бурчагига, деворий газеталар, хоналарнинг дид билан безатилиши ва бошқаларга қаратиши лозимлиги таъкидланди.

МУСТАҚИЛЛИККА БАҒИШЛАБ

Сирдарё шаҳридаги фахрийлар чойхонасида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг тўрт йиллигига бағишлаб махсус хона жиҳозланиб, кўргазма ташкил этилди.

Кўргазмага ташриф буюрувчилар сони кўпаймоқда.

ХДП СТИПЕНДИЯЛАРИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Сирдарё туман Кенгаши ёш авлодни замонамизнинг муносиб кишилари қилиб тарбиялашда ўқув муассасаларига амалий ёрдам бериш мақсадида 500 сўмлик стипендия таъсис этди.

ХДП дастлабки стипендияси яқинда Сирдарё педагогика билим юртининг жисмоний тарбия бўлими иккинчи курс аълочи талабаси Саулие Мирзабоевага топширилди.

Аълочи талабага ҳар ойда ана шу стипендия бериб борилади. ЎзХДП туман кенгаши биринчи котиби Бобо Зуҳуров мазкур стипендияни жамоатчи ва аълочи талабага тантанали равишда топширар экан, унинг келгуси ўқиш ва ишларига муваффақиятлар тилади.

Раҳматулла ИСЛОМОВ,
Абдураззоқ БУРЛИЕВ,
«Ўзбекистон овози» жамоатчи мухбирлари.

Фарғона водийсининг қўркам шаҳарларидан бири бўлмиш Шаҳрихон азалдан миллий ҳунармандчилигимизнинг ривожланиш марказларидан бири бўлиб келган. Халқ усталари томонидан ясалган миллий ҳунармандчилигимиз намуналари донғи узоқ-узоқларга маълуму-машҳур бўлган.

Шаҳрихонлик пичоқчи уста Иброҳим Алиевни ҳамма яхши танийди ва «уста» деб ҳурмат билан тилга олади. Устанинг ясаган совғабоп пичоқлари нафақат республикамизда, балки узоқ Америка Қўшма Штатлари, Канада, Саудия Арабистони, Хитой, Туркия, Покистон ва қўшни Ҳамдўстлик мамлакатларидан ташриф буюрган саёҳатчилар орасида ҳам ниҳоятда машҳур. Чунки бу пичоқлар ўзининг бежиримлиги, чиройлилиги, сифатли тайёрланганлиги билан бошқа усталарникидан ажралиб туради.

Иброҳим ака 28 йилдан бери шу касбнинг «нони»ни еб келади. «Шогирдсиз уста бўлмас», — деган нақлга амал қилиб, уста Иброҳим ҳам шогирдлар тайёрлашга катта эътибор берган. Ўтган йиллар давомида у 30 дан ортиқ шогирдларга ҳунар ўргатиб, уларни уста даражасига етказди.

СУРАТДА: уста Иброҳимжон Алиев шогирдларига пичоқчилик сирларини ўргатмоқда.

Шуҳрат ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

ДОН ХИРМОНИ МЎЛ БЎЛДИ

Республикамиз ғалла мустақиллиги йўлида меҳнат қилаётган сурхондарёлик ғаллакорлар шу кунларда ғалла ўрим-йиғимни қизғин давом эттирмоқдалар.

Ҳозиргина хушхабар олдик. Вилоятдаги Денов тумани ғаллакорлари вилоятда биринчи бўлиб, давлатга ғалла топшириш йиллик режаларини ошириб бажардилар. Давлатга шартномадаги 22 минг 550 тонна ўрнига 22 минг 600 тоннадан ортиқ дон ҳосили топширилди.

Туманда ўртача ҳосилдорлик 30 центнерни ташкил этмоқда. Деновликлар қўлга киритган бу муваффақиятга Бобур, Собир Раҳимов, «Ғалаба», Худойназаров, Ислом Тўраев, Охунбобоев, «Хазарбоғ», «Тожикистон» ва Шароф Рашидов номли жамоа хўжаликлари муносиб ҳисса қўшдилар.

Денов тумани хўжаликларида эндиликда ғалла ўрим-йиғимдан бўшаган ерларга такрорий экинлар экиш қизғин давом этмоқда.

Зариф МИРЗАҚУЛОВ.

"JUR BEK"

"ЖЎРАБЕК" ХУСУСИЙ ДОРИХОНАСИ ЧОРЛАЙДИ!

Бугунги кунда аҳолининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида "Жўрабек" хусусий дорихонаси жаҳондаги кўплаб фармацевтика саноати корхоналари, фирмалари билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жумладан, Англиянинг "Стерлинг Хелс" фирмасидан харид қилинган оғриқ қолдирувчи ва иситма туширувчи "Панадол" дорисининг саккиздан ортиқ тури чақалоқдан тортиб то кекса беморларгача даволашда бебаҳо малҳам бўлмоқда. Айниқса, франциялик ҳамкасблардан харид қилинаётган хилма-хил гинекологик дори-дармонлар хотин-қизлар касалликларини даволашда ва бу хасталикларнинг олдини олишда ниҳоятда қўл келмоқда.

Дори-дармонлар танқис бўлиб турган бугунги кунда Сиз учун фақат "Жўрабек" хусусий дорихонасигина дунёнинг исталган бурчагидан дардингизга малҳам бўладиган зарур дори-дармонларни топиб, етказиб бера олади!

ДОРИХОНАМИЗ ХИЗМАТИДАН ФОЙДАЛАНИНГ!

Манзилимиз: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, "Бешёғоч" майдони, Олмазор кўчаси, 165-уй. Телефон: 45-60-40, факс: 45-41-46.

Кенгаш ташаббуси билан

КЎТАРИНКИ РУҲДА

Ўзбекистон ХДП Сирғали туман кенгаши хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фаоллари, турли жамоат ташкилотлари билан мустаҳкам алоқада иш олиб бормоқда. Туман партия кенгаши ҳисобида турган уч ярим мингдан ортиқ партия аъзосининг ярмидан кўпи ва 140 та бошланғич партия ташкилоти котибларининг 70 нафарини аёллар ташкил этади. Ўзбекистон Халқ демократик партияси Низоми ва Дастурини тарғиб қилишда фаол аёллар ҳиссаси катта бўлмоқда.

Туман партия кенгаши ташаббуси билан хотин-қизлар ўртасида маданий-маърифий, тарбиявий аҳамиятга эга бўлган кўпгина тадбирлар ўтказиб келинмоқда. Биргина 1994 йилнинг ўзида тумандаги етим болаларга 20 минг сўмдан ортиқ ёрдам берилди. Кам таъминланган оилаларга ижтимоий-таъминот бўлими билан ҳамкорликда байрам совғалари улашилди.

Мактабгача тарбия муассасалари ҳамда хотин-қизлар кенгашлари фольклор дасталарининг танловларини ўтказиш анаъанага айланди.

«Аёл қадри ва масъулият» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда зиёлилар, шифокорлар, халқ таълими ходимлари, мураббийлар ва ишчилардан иборат 300 нафар аёл қатнашди. Шунингдек, «Маданият» маҳалласида «Ватан — оиладан бошланади» мавзусида қизиқарли тадбир ўтказилди.

Туман Ёшлар Иттифоқи қўмитаси билан ҳам ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган.

Юқоридаги каби тадбирларни уюшқоқлик билан ўтказишда Дилором Қосимова, Насиба Раимқулова, Лола Орипова, Турсуной Комилжонова, Саодат Ғаппорова, Закия Ҳакимулина, Раҳима Юсупова каби бошланғич партия ташкилотлари котиблари ва Гулчеҳра Қурбонова, Миновар Абдуллаева, Зулфия Мўминова, Шарофат Маҳмудова, Нортожи Қулжонова, Ўринжон Эргашева, Зуҳра Раҳматова, Шарифа Норсўпиева каби фаол аёлларнинг хизматлари алоҳида.

Бир сўз билан айтганда, Сирғали тумани хотин-қизлари ўз иш жойларида барча соҳаларда кўтаринки руҳда ишлаб, Президент Фармонлари ва хукумат қарорларини тарғиб қилиш ва бажаришда барчага ўрнак бўляптилар.

Наргиза ҒАФФОРОВА.

Хушхабар

АНДИЖОНЛИК АКАДЕМИКЛАР

Америкадан Андижонга хушхабар келди. Тиббиёт институтининг уч профессори — С. Турсунов, И. Ёдгоров ва Э. Жумабоевлар Нью-Йорк Фанлар академиясининг аъзолари бўлганликлари кўпчиликни қувонтирди.

Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби, даволаш кафедрасининг мудири, кардиология маркази директори, тиббиёт фанлари доктори С. Турсунов жаҳонда биринчилардан бўлиб юрак ишемик касаллигининг келиб чиқишида насл ва ташқи муҳитнинг қандай таъсир этишини аниқ ҳисоблаб беришдек вазифани муваффақиятли бажарди.

Неврология кафедрасининг мудири, тиббиёт фанлари доктори И. Ёдгоров илмий мақолалари Франция, Бельгия, Чехия, Словакия сингари қатор мамлакатларда чоп этилиб, шу соҳага салмоқли наф келтиряпти. Олим ҳамкасблари билан ҳамкорликда неврология касалликларининг олдини олиш борасида илмий изланишларни давом эттирмоқда.

Тиббиёт фанлари доктори Э. Жумабоев ҳам ёш бўлишига қарамай лимфология соҳасида қатор тадқиқотларни амалга оширмоқда. Қўли енгил жарроҳ сифатида кўплаб беморларни дарддан фориғ бўлиши учун тер тўкмоқда.

С. АҲМАДИЛЛАЕВ.

Долзарб мавзу

ҚИШЛОҚДА ИСЛОҲОТНИ ҚЎЛЛАЙМИЗ

— дейди «Ўздеҳқончиликсаноатбанки» бошқаруви раиси Жамшид САЙФИДДИНОВ

— Жамшид Бадриддинович, аввало, ўзингиз бошчилик қилаётган банк ҳақида муштарийларимизга қисқача маълумот берсангиз.

— У 1991 йилнинг май ойида давлат ихтисослаштирилган банки негизида ташкил топган. Аста-секин фаолият доирасини кенгайтириб, мамлакат банк тизимида ўзига хос ўринни эгаллаб олди. Ҳозир Ўзбекистон Республикаси акционер-тижорат деҳқончилик саноат банкининг вилоятларда 188 та филиали бўлиб, улар барча шаклдаги корхона ва ташкилотларга, хўжаликларга, шунингдек хусусий шахсларга кредит ҳисоб-китоб хизматини кўрсатади.

— Хабарингиз бор, мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг иккинчи босқичида қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш шу кунинг долзарб масалаларидан бирига айланди. «Ўздеҳқончиликсаноатбанки» қишлоқ ишбилармонларига бу борада қандай ёрдам бермоқда?

— Биласизми, бугунги кунда республика аҳолисининг ярмидан кўпроғи қишлоқ жойларда яшайди. Демак, биз энг аввало, ана шу кўпчиликнинг ижтимоий аҳволини, турмуш тарзини, фаровонлигини таъминлаш ҳақида ўйлашимиз керак. Қишлоқ истиқболи юрт истиқболидир. Шу боис республикамиз ҳукумати қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш чора-тадбирларини кўрмоқда.

Банкимиз ҳам қишлоқда тадбиркорликка алоҳида аҳамият беряпти. Маҳаллий ишбилармонларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Бизнинг мақсадимиз деҳқончилик-саноат мажмуининг самарали ривожланишига ёрдам бериш, республикамиз туманларидаги мижозларимиз манфаатини ҳисобга олган ҳолда юқори даражадаги банк хизматини йўлга қўйишдир. Ҳозир банкимиз муассасалари қишлоқдаги 287 та фермер хўжаликларига хизмат кўрсатмоқда, улардан 37 таси банк кредитларидан унумли фойдаланмоқдалар.

Айни пайтда республика Вазирлар Маҳкамасининг 1993 йил 15 мартда чиқарилган 137-сонли қарорига асосан ташкил этилган 121 та хусусийлаштирилган чорвачилик фермерларига молиявий кредитлар ажратилди. Шуни таъкидлаш жоизки, биз уларга пасайтирилган фоиз ставкаларида молиявий ресурслар ва амалий маслаҳатлар билан қўллаб-қувватламоқдалар.

Ҳозиргача «Ўздеҳқончиликсаноатбанки» муассасаларида 1076 нафар хусусий тадбиркорнинг ҳисоб варақалари очилди, уларга 132 миллион сум қарз берилди. Шунингдек, қишлоқларда жисмоний шахслар томонидан ташкил этилган 1024 та кичик корхонанинг ҳисоб варақалари очилиб, ишбилармон кишиларга 39 миллион сўм кредит ажратилди. Келажакда бу йўналишда бир қатор тадбирларни амалга ошириш мўлжалланган.

— Жамшид ака, республика Вазирлар Маҳкамаси ўзаро ҳисоб-китобларни жадаллаштириш, тўлов интизомини мустаҳкамлаш мақсадида шу йилнинг 2 июнида «Ўзбекистон Республикаси халқ хўжалигида векселларни қўллаш тўғрисида» қарор қабул қилди. Унга кўра Марказий банк рухсати билан тижорат банкларига векселлар чиқариш ҳуқуқи берилганми...

— «Ўздеҳқончиликсаноатбанки» ҳам бир қатор банклар сингари Марказий банк томонидан векселлар чиқариш учун рухсатнома олди ва бугунга келиб 100 миллион сўмлик оддий векселнинг биринчи эмиссияси чиқарилди. Шундан 40 миллион сўми мижозларнинг ўз маблағлари ҳисобидан сотиб олинди, 60 миллион сўмга эса вексел кредити берилди. Ҳозир бизда икки турдаги вексел чиқарилянти. Бундан ташқари «Ўздеҳқончиликсаноатбанки» имтиёзли қарзлар беряпмиз. Улар бўйича умумий ссуда қарзлар бугунга келиб 27 миллион сўмни ташкил этади.

— Яқинда республика Президенти ҳузуридаги Иқтисодий ислоҳотлар, тадбиркорлик ва чет эл сармоялари бўйича идоралараро кенгаш мажлисида ҳам қишлоқ бизнесини молиявий қўллаб-қувватлашни кучайтиришнинг муҳимлиги таъкидлаб ўтилди. Бу ҳақда амалий режа-таклифларингизни билмоқчи эдик.

— Дарҳақиқат, ушбу мажлисда қишлоқда ташкил этиладиган кичик ва хусусий корхоналарни қўллаб-қувватлаш, хизмат кўрсатиш соҳаларини ривожлантириш давлат сиёсати даражасидаги устивор йўналиш экани қайд этилди. Шундай экан, жойлардаги маҳаллий ҳокимликлар, мутасадди ташкилотлар раҳбарлари, банк тизими ходимлари республика ҳукумати томонидан бу борада қабул қилинган барча қарорларнинг бажарилишини таъминлашлари, маъсулиятни кучайтириб, талабчанликни оширишлари зарур. Яширишнинг ҳожати йўқ: қишлоқ бизнесини молиявий қўллаб-қувватлашни ташкил этиш шакллари ва банк хизмати кўрсатиш тажрибаси етишмаслиги бу тузилмаларда жиддий норозиликларни ҳам келтириб чиқармоқда.

Энди аҳволни ўнглаш пайти келди. Мутахассисларимиз шуни ҳисобга олиб, қишлоқ тадбиркорларининг етти ўлчаб, бир кесилган асосли лойиҳаларини ва истиқболли ташаббусларини зарур қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқарувчи ва сотувчи корхона ва ташкилотларга ўз векселларини чиқариш учун рухсатнома бериш ҳуқуқига ҳам эга. Банк мутахассислари бунда векселлар бўйича эътирозларнинг олдини олиш мақсадида мижознинг тўлов қобилиятини синчковлик билан текшириб, таҳлил қилади ва шундан кейингина вексел чиқаришга рухсат беради.

Банкимиз фаолияти бу билан чегараланиб қолмайди. Ҳозир фоиз ставкалари бўйича бирмунча қийинчиликлар мавжуд. Биз кредит ресурсларига бўлган талаб ва таклифнинг ўзгаришига қараб сузувчи фоиз ставкалар, депозит бўйича фоиз даражалари, жамғармалар, бошқа самарали омилларни амалга ошириш кўзда тутяпмиз. Шу билан бирга қишлоқ хўжалигидаги молиявий аҳволнинг оғирлигини ҳисобга олиб, кредит бўйича фоиз ставкаларини оширишга интилганимиз йўқ. Бу мижозларимиз манфаатига мос келади. Уларнинг асосий кўпчилигини эса қишлоқ хўжалик ва қайта ишлаш саноати корхоналари ташкил этади.

— Шу ўринда кадрлар масаласига ҳам эътиборни қаратсак. Чунки ҳозирги бозор иқтисоди шароитида малакали мутахассисларга эга бўлмай туриб ишни рисоладагидек ташкил қилиш қийин. Шундай эмасми?

— Фикрингизга қўшиламан. Албатта, бугунга келиб банк хизматининг фаолияти кенгайиб бормоқда. Банк бизнеси бўйича жаҳон амалиётида мавжуд ташқи иқтисодий алоқаларни кенг йўлга қўйишдек имкониятлар очиляпти. Бундай шароитда банк тизими конъюктурасини пухта биладиган малакали мутахассисларга эҳтиёж ортиб боради. Ҳозир жиддий рақобат муҳитининг пайдо бўлиши билан мутахассислар нинг у банкдан бу банкка ўтиш ҳоллари учраб турибди. Баъзи ходимларимиз янги ташкил қилинган тижорат банкларига ўтиб кетишяпти. Ушбу жараёнларни тушунган ҳолда биз банк мутахассисларини, раҳбар кадрларни диққат билан танлаб, ишга қабул қиляпмиз. Айни чоғда ёш мутахассисларни ҳам, раҳбар шахсларни ҳам моддий қўллаб-қувватлаш бўйича махсус дастур ишлаб чиқанмиз.

Банкка ишга қабул қилинган ёш кадрлар бир йил давомида тажрибали муҳосиблар қўл остида иш ўрганишади. Ходимларни қайта тайёрлаш курслари ҳам ташкил этилган. Шу йилнинг ўтган 6 ойи давомида малака ошириш интститутида молия ва банк ходимларининг бир неча гуруҳлари муҳосиб ҳисоби, молия таҳлили ва кредит бўйича ўз билимларини бойитдилар.

«Ўздеҳқончиликсаноатбанки» ўз таъсисчиларидан бири ҳисобланган минтақавий банк ўқув марказида ходимларимиз банк бизнеси бўйича амалий тайёргарликдан ўтдилар. Деярли барча вилоятдаги филиалларимизда Жаҳон банки ва Тошкент Давлат иқтисодиёт университети билан ҳамкорликда уюштирилган банк бизнесини ривожлантириш бўйича видеосеминарлар ўтказилди. Бундан ташқари Туркиянинг зироат банкида икки гуруҳ мутахассисларимиз стажировкада бўлиб қайтишди. Ҳозир ходимларимизни компьютерда ишлашга ҳам ўргатяпмиз. Бугунги кунга келиб ҳисоб-китоб, операция ишларининг асосий қисми автоматлаштирилди.

Локаль ҳисоблаш тармоқларида эса ишнинг жадаллашувини таъминловчи янги банк дастурини жорий этиш тадбирлари ҳам амалга оширилмоқда. Бу эса мижозларга қулайлик яратади ва банклар ўртасидаги тўловларнинг ўтишини тезлаштиради.

Республика банки ва вилоят банки филиалларини ҳозирги замон ҳисоблаш машиналари ва компьютерлар билан жиҳозлашни режалаштирганмиз. Улар ахборотларни қайта ишлашда зарур ишончлиликни, ҳимояни, тезкорликни таъминлайди, мижозларга бутунлай янгича банк хизматини тақдим этади. Ўйлаймизки, амалга ошираётган бу тадбирлар яқин вақт ичида ўз самарасини беради. Ана шунда «Ўздеҳқончиликсаноатбанки» хизматидан фойдаланувчиларнинг сафи янада кенгайишига ҳеч шубҳа йўқ.

Суҳбатдош:
Аслиддин БОЛИЕВ.

ДУНЁ ВОҚЕАЛАРИ

ИНДОНЕЗИЯНИНГ БАЁНОТИ

Индонезия Босния серблари нинг Шарқий Босниядаги хавфсизлик ҳудудига уюштирган ҳужумини дарҳол тўхтатишни талаб қилди. Қўшилмаслик ҳаракати раиси сифатида Индонезия Президенти Сухарто берган баёнотда шундай дейилади. Шунингдек, Индонезия Босния муаммоларини тинч музокаралар йўли билан ҳал этиш зарур деб ҳисоблайди, дейилади баёнотда.

МИСР ТАЪҚИҚНИ БЕКОР ҚИЛИШ ТАРАФДОРИ

Миср ҳукумати ҳам Босния серблари нинг босқинчилик ҳаракатини қоралаб баёнот берди. Унда Босния мусулмонлари ўз-ўзини ҳимоя қилиш имкониятига эга бўлиши учун халқаро ҳамжамиятдан Босния мусулмонларига қурол-яроғ сотмаслик ҳақидаги таъқиқни бекор қилиш талаб этилган. Миср ташқи ишлар вазири Амр Муса БМТ Хавфсизлик Кенгаши доимий аъзоси бўлган беш давлатнинг Қоҳирадаги элчиларига ҳам худди шундай талабни етказди.

МЕКСИКА ЯДРОВИЙ СИНОВЛАРГА ҚАРШИ

Мексика ҳукумати Франция ни Тинч уммонидаги Атолла Мururоадаги ядровий синовларини тўхтатишга чақирди. Синов ўтказишни таъқиқлаш ядровий қуролларни тарқатмаслик ҳақидаги халқаро шартнома имзолангунига қадар давом этиши керак, дейилади Мексика Ташқи ишлар вазирлиги берган баёнотда.

ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР ДАВОМ ЭТАЁТИР

Шри Ланка ҳукумат қўшинлари мамлакатдаги «Тамил илама—озодлик йўлбарслари» ташкилотининг қуролли тузилмаларига қарши 9 июлда бошлаган ҳарбий ҳаракатларини ҳамон давом эттирмоқда. Шу кундан буён мамлакатнинг шимолий туманларида 69 нафар ҳукумат аскари ҳалок бўлди, 216 нафар аскар эса жароҳатланди. Маълумотларга кўра мухолиф кучлардан 300 га яқин киши ўлдирилган.

СУ ЧЖИ НОБЕЛЬ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИ

Нобель мукофоти қўмитаси Мьянманинг мухолифатдаги кучлар раҳбари, таниқли ҳуқуқ ҳимоячиси Су Чжига Нобель мукофоти берилиши ҳақидаги қарорини эълон қилди. Энди у мукофотни олиш учун Норвегиянинг Осло шаҳрига келади. Су Чжи 1989 йилда ҳам ушбу мукофот билан тақдирланган эди. Бироқ, мукофотни олишга муваффақ бўла олмади. Мьянмадаги ҳарбий тузум уни уй қамоғида сақлаб турган эди. Яқинда Су Чжи қамоқдан озод этилди.

МУҲИМ ДАСТУР

Япония ҳукумати табиий офатларга қарши зудлик билан чора кўриш учун давлат идораларида «Жанговар тайёргарлик»ни ошириш ҳақида дастур қабул қилди. Ушбу дастур 1963 йилдан буён амал қилиб келинаётган ва ҳозирги пайтда талабга жавоб бермай қўйган дастурдан фарқли равишда ҳарбий кучларга табиий офат рўй берган ҳудудларга тезда ёрдам бериш мажбуриятини ҳам юклайди.

(Жаҳон ахборот агентликлари ва газеталаридан олинди).

23 июль — Миср Араб Республикасининг миллий байрами

ТАРАҚҚИЁТ САРИ ДАДИЛ ОДИМ

Мисрнинг 1952 йил 23 июлдан кейинги бошланган босқичини «Халқ учун инқилоб» деб номласак хато бўлмайди. Бу вақтда мамлакат тақдири кам сонли ҳарбий арбоблардан ташкил топган давлат идорасини жамоа ҳайъати бўлмиш инқилобни бошқариш кенгаш зиммасига юклаган эди. Миср Республикаси қишлоқ хўжалик тармоқларини, жамиятдаги ижтимоий муносабатлар савиясини кўтариш орқали мураккаб, кўп босқичли миллий тикланиш дастурини ҳаётга татбиқ қилишга киришди. Аста-секин инқилобий жараён ривожланиши билан мамлакатда ўтказилаётган ислоҳотларнинг ижтимоий мазмуни ва моҳияти ҳам чуқурлашиб борди. 1955 йилда Мисрдан 60 минг инглиз аскар ва зобитлари чиқиб кетади, мислсиз сиёсий тадбир—халқаро Сувайш канали компаниясини миллийлаштириш амалга оширилади, 1956 йилнинг кузида Миср инқилобига қарши қаратилган уч томонлама империалистик ҳарбий тажовуз тор-мор қилинади. Шундан кейин Миср халқи ҳақиқий сиёсий мустақилликка эришди. Миср давлати «синфий тотувлик давлати» деб, ҳукумат эса «барча синфлар, ягона оила, ҳамма халқ номидан бошқарувчи ҳукумат» деб эълон қилинади. 60-йилларда амалга оширилган ижтимоий-иқтисодий қайта ўзгаришлар даврида миллатнинг сиёсий бирлиги ва иттифоқини таъминловчи янги ташкилот — Араб социалистик иттифоқи (АСИ) таъсис қилинди. Шуни таъкидлаш жоизки, Президент Ж. А. Носир умуммиллий сиёсий ташкилот ёки партияга катта аҳамият берган. Уларни жамият аъзоларининг умидбахш фаолиятга чорловчи муҳим жипслаштирувчи ва сафарбарлаштирувчи омил деб ҳисоблар эди. Инқилоб ғалабасидан сўнг Ж. А. Носир ўз фаолияти билан халқ оммасининг сиёсий онгини

кўтариш, жамиятни демократлаштиришга интилди.

Мисрда ислоҳотларнинг амалга оширилишига йирик ер ва кўчмас мулк эгалари мунтазам равишда қаршилик кўрсатиб келишар, давлатдан фақат ўзларига, бир томонлама фойда тегишини истар эдилар. Бунинг натижасида ҳукумат 60-йилларнинг бошларида ички иқтисодий ва сиёсий-ижтимоий ҳаётга таъсирини кескин кучайтирди. Муҳолифларнинг мулк бойлиги мусодара қилиниб, сиёсий ҳуқуқлардан маҳрум қилиндилар. Аксинча, ишчи ва деҳқон оммасига кенг сиёсий вакиллик ҳуқуқи берилди. Ж. А. Носир бошчилигидаги ҳукумат иқтисодий ислоҳотларни фаол ҳаётга татбиқ этиб, самарали натижаларга эришди. Беш йил ичида (1960-1965 йил) миллий даромад 31 фоиз кўпайди, ундаги иш ҳақи жамғармаси ҳам анчагина ўсди. Мамлакатда ишсизлик муаммоси ечилган бўлиб, меҳнаткашларга нисбатан ижтимоий ҳимоялаш тадбирлари амалга оширилди.

Ж. А. Носирнинг тинчликсевар ташқи ва халқчил ички ижтимоий -иқтисодий сиёсати унинг вафотидан сўнг 1970 йилдан бошлаб янги Президент А.ас Содат ҳукумати томонидан қайта кўриб чиқила бошланди, «очиқ эшиклар» сиёсати татбиқ қилинди. Бунда хусусий майда ва ўрта мулкчилик секторини ривожлантиришга, хорижий мамлакатлардан давлат ва хусусий сармояларни келтиришга катта аҳамият берилди. Айни вақтда мураккаб иқтисодий вазият шароитларида аҳолини ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари бекор қилиниши халқ норозилигига ва чиқишларига сабаб бўлди. Мисрга жойлаштирилаётган кўп миқдордаги валюта сармоялари эса ишлаб чиқариш мақсадларига эмас, балки хориждан қимматбаҳо истеъмол моллари олиб келишга, сайёҳчилик, турар масканлар ва кўнгил очар муассасалар қурилишига сарфланишига рухсат берилган эди. 1979 — 1981 йилларда ҳукумат томонидан олиб борилган муҳолифият кучларни бостириш чоралари ҳам сиёсий-ижтимоий ҳамда иқтисодий вазиятни барқарорлаштиришга ожиз бўлди ва 1981 йилги давлат ҳарбий паради вақтида Президент А.ас Содат ўтакетган махфий, яхши уюшган ва армия ичида иш кўрган диний-террорчи гуруҳ томонидан ўлдирилади. Ушбу мусибатли воқеа билан Миср диёри тарихининг яна бир саҳифаси тугаб, бошқа, ёрқинроғи бошланади. Мамлакатнинг ҳозирги Президенти янги авлод сиёсатчиларининг намояндаси Муҳаммад Ҳусни Муборак стратегияси ҳам аниқ-равшан ислоҳотларга қаратилган. Лекин улар шошқалоқлик билан эмас, балки пухта ўйланган ҳолда аста-секин суръатларда ва аҳолининг муҳтож қатламларига моддий ёрдам кўрсатиш асосида ижро этилиб ва шу йўл билан сиёсий барқарорликни таъминлаб ҳамда уни такомиллаштиришни кўзда тутади. Мамлакатда иқтисодни таркибий қайта қуришга мўлжалланган ва экспорт учун ишлайдиган тармоқлар ҳамда молияга имтиёзли аҳамият берувчи дастур ишлаб чиқилган ва татбиқ қилинянти. Жаҳон банк-молия муассасалари Мисрдаги иқтисодий қайта ўзгаришларга катта ёрдам кўрсатиб келишаяпти. Масалан, жаҳон валюта фонди 1994 йилда тақдим этган фоизсиз 400 миллион доллар кредит ишсизликка қарши курашга, малакали кадрларни тайёрлаш ва янги барпо этилаётган кичик корхоналарга ёрдам кўрсатишга махсус йўлланган. Бундан ташқари ЖВФ ёрдамида Мисрнинг ташқи иқтисодий қарзи тўрт йил ичида сезиларли даражада қисқартирилди. Айни пайтда Миср раҳбарияти маҳаллий пул бирлиги — миср жунейхасини барқарорлаштириш, сотувдан олинадиган янги солиқ жорий этиш ва ёқилғи ҳамда электроэнергия нархларини анчагина кўтариш каби чора-тадбирларни ўтказди. Бунинг натижасида хазинага савдо-сотиқдан тушадиган ҳар йилги солиқ даромади 1 миллиард миср жунейхесига кўпайди (335 миллион долларга). Мисрда нарх-наволар устидан давлат назорати бекор қилиниб, улар бутунлай эркинлаштирилган ва бу чора давлат корхоналарига кўпроқ изланиш ва ишбилармонлик ташаббусини фаоллаштириш имкониятларини берган. Ҳозирги вақтда корхона ва муассасаларга давлат дотацияси бутунлай ажратилмай қўйди. Қишлоқ хўжалик тармоғини давлат идорасидан озод қилиш ишлари жорий қилинаяпти. Пахтачилик соҳасини жонлаштириш ҳам муҳим масала бўлиб кун тартибида турибди. Иқтисодий ривожланишнинг яна бир кескин муаммоси — бу мамлакатга сармоя маблағларини жалб қилишдир. Чунки мисрликларнинг чет элларда жойлаштирган маблағлари 60-120 миллиард доллар ўртасида сақланиб келаяпти. Бу миллий иқтисодга салбий таъсир кўрсатаётган омилни чеклаш учун маҳаллий пул бирликни ички конвертацияси, яъни чет эл валютасига бемалол алмашуви таъминланган, хусусий Миср ва хориж тадбиркорлиги кенг рағбатлантирилаяпти.

Президент Ҳ. Муборакнинг стратегик йўли ҳам мамлакат ичида, ҳам ташқи сиёсатда тинчлик-тотувлик ва мувозанат сиёсатига эришишга асосланган. Масалан, АҚШ билан махсус стратегик муносабатларни ва Исроил билан сулҳни сақлаб Миср араб оламидаги тарқоқликни енгишга интиляпти ва бу хайрли ишда катта ютуқларга эришди. Араб ва халқаро муаммоларга ижобий, бир текис масъулиятли ёндашиши Миср раҳбариятига «мўътадил тузум» шуҳратини келтирди. Форс кўрфазидаги урушда Қоҳира Ироқ ҳарбий тажовузига нисбатан кучли тавозинлик қилганлиги туфайли унинг халқаро обрў-эътибори ва таъсири ниҳоятда кучайди. Миср ва араб миллатидан ажратиб қўйиш режалари ва уринишлар тарихга ўтиб кетди. Араб Давлатлари Уюшмаси котибияти ва хизматлари Тунисдан ўзининг Қоҳирадаги қароргоҳига қайтиб келди. Миср Бош вазири Исмат Абдуль-Мажид эса Уюшманинг янги бош котиби этиб сайланди. Мисрнинг яна бир таниқли сиёсий арбоби — Бутрос Бутрос аль-Ғолий жаноблари Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош котиби лавозимида бир неча йилдан бери ишлаб келмоқда.

Бизнинг мустақил Ватанимиз — Ўзбекистоннинг қадимги, афсонавий Миср диёри билан фақат миллий урф-одатлар, диний ва тарихий ўзаро боғланиш ва таъсири эмас, балки ҳозирги замонда икки давлат бозор иқтисоди сари қилган танловлари ва тамойиллари, иқтисоднинг асосий ишлаб чиқарувчи тармоқларига чет элдан сармояларни ва илғор технологияни жалб қилишлари, ўқимишли, юқори малакали миллий кадрларни тайёрлашга катта аҳамият қаратишлари ва шунга ўхшаш бошқа омиллар ҳам яқинлаштириб ва ўзаро ҳамкорликни ой сайин чуқурлаштириб келмоқда.

Ўзбекистон ва Миср ўртасида бевосита дипломатия муносабатлари 1992 йилнинг январида ўрнатилганига қарамай бундан буён ўтган қисқа вақт жуда кўп муҳим ва самарали воқеаларга тўлиқ бўлди. Бизнинг давлатимизга қатор Миср вазирликларнинг—режалаштириш, таълим, вақф (диний) ишлари — раҳбарлари ташриф буюришди ва бу соҳаларда мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатилди. Бугунги кунда Мисрнинг йирик дорилфунунларида - Қоҳира университетида, «Аль-Азҳор» ва «Айн-аш-Шамс» университетларида Ўзбекистондан бир неча ўнлаб талабалар араб техника, Аграр университетларида ва бошқа олий ўқув юртларида кўпгина мисрлик талабалар ҳам ўз билим ва тажрибаларини оширмоқдалар. Яқинда Тошкентда



Миср Араб Республикасининг фан ва таълим маркази фаол иш бошлади ва бу фаолият, шубҳасиз, икки давлатларнинг бир-бирларини янада ҳам яқинроқ билиш ва ўрталарида пайдо бўлган самарали ҳамкорликни кенгайиб, кучайишига катта ҳисса қўшади. Бу ҳамкорликни эса ҳали ишлатилмаган кўп қирралари мавжуддир. Ушбу борада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 1992 йил декабридаги Миср Араб Республикасига расмий ташрифи пайтида фикр юритилган эди. Сафар ғоят самарали бўлиб, узоқ муддатга мўлжалланган турли иқтисодиёт, маданият ва илму фан, савдо-сотиқ соҳаларига тааллуқли битимлар имзолаш билан якунланди. Ўзбекистон ва Миср Республикаси ўртасида тўқимачилик, металлургия, машинасозлик, пахтачилик тармоқларида ўзаро манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш учун ҳам кўп имкониятлар бор — бу тайёр моддий - техника базаси, орттирилган бой тажриба ва мавжуд бўлган юқори малакали, фидойи мутахассислар ва энг муҳими яхши самимий ҳамкорлик ва ҳамжиҳатликни ривожлантириш ният ва режаларидир.

Шуҳрат МАҲМУДБЕКОВ,
тарих фанлари доктори, профессор.

"МУСТАҚИЛЛИК"

"МУСТАҚИЛЛИК" пул-буюм лотереясини сотиб олиб Сиз катта ютуқ соҳиби бўлишингиз мумкин.

ПУЛ-БУЮМ ЛОТЕРЕЯСИ

Лотерея билетининг баҳоси 10 сўм.

Ютуқлар тиражи 1995 йил 29 — 30 август кунлари Тошкент шаҳрида ўтказилади.

Ютуқлар тиражида автомобиллар, телерадиоаппаратуралар, мебель тўпламлари, электржиҳозлар, кир ювиш машиналари ва бошқа турдаги халқ истеъмоли моллари ўйналади.

Лотерея билетларини жамғарма банкининг барча муассасаларидан, алоқа бўлимларидан, савдо ташкилотларидан ҳамда жамоатчи тарқатувчилардан сотиб олишингиз мумкин.

Тўлиқ маълумотларни жамғарма банкининг исталган муассасасидан, алоқа бўлимларидан ёки қуйидаги телефонлар орқали билиб олишингиз мумкин: 33-51-95, 45-35-49, 45-66-43.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ.
МАРКАЗИЙ БАНК.
ЖАМҒАРМА БАНКИ.
АЛОҚА ВАЗИРЛИГИ.
ЎЗБЕКСАВДО.
ЎЗБЕКБИРЛАШУВ.

СИЗГА ОМАД ТИЛАЙМИЗ!

БОБОМИЗНИ ТАНИГАНЛАР БОРМИ?



Сиз сувратда Саудия Арабистонида яшаб вафот этган домла Абдуллоҳ Аҳмадхон Хўжандийни кўриб турибсиз. Унинг қариндошлари шу кунларда Маккаи Мукаррама шаҳридан ташриф буюриб, ўз авлодларини изламоқдалар. Кимки Абдуллоҳ Аҳмадхон Хўжандийнинг авлодлари ҳақида маълумотга эга бўлса, мазкур манзилгоҳга хабар беришларини сўраймиз.

Тожикистон Республикаси, Хўжанд шаҳри, Чор чироқ маҳалласи, Ҳаким Каримов кўчаси, 154/17, Мирзағафур Мирзошеров, Муҳаммад Мирзошеровлар.
Телефонлар: 6-24-52, 5-44-07.

Шаҳримизнинг энг катта — «Ипподром» ва «Бешёғоч» бозорларида дўкон эгаси бўлишни хоҳловчи ташкилотлар, тадбиркорлар ва барчанинг диққатига!

ЭШИТМАДИМ ДЕМАНГЛАР!

Чилонзор тумани ҳокимлиги конкурс комиссияси дўконларни хусусийлаштириб олиш юзасидан кўплаб мурожаатлар бўлаётганлигини ҳисобга олиб, дўконлар савдосида иштирок этиш ҳуқуқини берадиган беш минг сўмлик ютуқли билетни тарқатмоқда.

Конкурс иштирокчиси билетни сотиб олган кундан бошлаб 1997 йил 1 январгача Тошкент шаҳридаги «Ипподром» буюм бозорига текин кириш ҳуқуқига эга бўлади. Дўкон савдоси конкурсида иштирок этувчилар ўзининг ҳақиқий баҳосидан анча паст нархланаётган 600 минг сўмлик дўконга ҳамда 6 ойгача савдо-сотиқ билан шуғулланиш учун қулай савдо растаси соҳиби бўлишлари мумкин.

Шунингдек, конкурсда иштирок этувчилар 2,0 млн. сўмлик дўконни ютиб олиб, уни мерос қолдириши ва сотиши ёки 7,5 минг сўм баҳодаги савдо шохобчасида 1996 йил 1 январгача савдо-сотиқ билан шуғулланиш имконияти соҳиби ҳам бўлишлари мумкин.

Фақат билет эгаларигина конкурсда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишади. Бошқа ташкилотлар ва шахсларга дўконлар берилмайди.

Билетларни нақд пулга ва нақд пулсиз ҳисоб-китоб орқали шу йилнинг 27 июлигача Чилонзор тумани ҳокимлиги биносидан олишларингиз мумкин.

Конкурс 1995 йил 28 июлда «Фурқат» кинотеатрида ўтказилади.

Мурожаат учун телефонлар: 77-24-15, 77-35-20, 76-88-76, 77-13-62.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

1995-96 ЎҚУВ ЙИЛИДА ҚОЗОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА

КООПЕРАЦИЯЛАШГАН ҚАБУЛНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Қозоғистон Республикаси олий ўқув юртларига абитуриентларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикасининг қуйидаги олий ўқув юртларига юклатилган:

ЖИЗЗАХ ПОЛИТЕХНИКА ИНСТИТУТИ

Қозоғистон кимё-технология институтига (Чимкент шаҳар), Жамбул енгил саноат ва озиқ-овқат технологияси институтига.

ТОШКЕНТ КИМЁ ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

Жамбул енгил саноат ва озиқ-овқат технологияси институтига, Қозоғистон кимё-технология институтига (Чимкент шаҳар).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қозоғистон давлат бошқарув академиясига,
Қозоғистон кимё-технология институтига (Чимкент шаҳар).

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Қозоғистон миллий давлат университети.
Халқаро қозоқ-турк университетига (Туркистон шаҳар).

НАВОИЙ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

Халқаро қозоқ-турк университетига (Туркистон шаҳар).
Чимкент давлат жисмоний-маданият педагогика институтига.
Қозоғистон давлат хотин-қизлар педагогика институтига.

ГУЛИСТОН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

Абай номли Алмати давлат университетига.
Халқаро қозоқ-турк университетига (Туркистон шаҳар).
Жамбул давлат педагогика университетига.
Чимкент давлат жисмоний-маданият институтига.

Қозоғистон Республикаси олий ўқув юртларига кооперациялашган қабул бўйича мутахассисликлар рўйхати ҳақидаги ахборотни юқорида қайд этилган олий ўқув юртлари қабул комиссияларидан олиш мумкин.

Абитуриентлардан аризаларни қабул қилиш 31 июлгача давом этади. Кириш имтиҳонлари 1 августдан 15 августгача ўтказилади. Талабалар сафига қабул қилиш 20 августгача амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасидан абитуриентларни танлаш ва уларни Қозоғистон Республикасининг мувофиқ олий ўқув юртларига жўнатиш Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги белгилаган тартибда амалга оширилади.

Боболаринг анойи эмас...

Шарқшунос олим Маҳмуд ҲАСАНИЙ таҳрири остида

ОДОБ БЎСТОНИ ВА АХЛОҚ ГУЛИСТОНИ

• Одоб — улуғлик ва юксаклик қасрининг нарвони, бу нарвон орқали барча мақсад манзилига етиш мумкин. Шарм гулзоридан эса барча муддао гулини дасталаш мумкин. Латиф сирларининг ҳақиқатини англовчилар ва ҳар қандай рамз маъносини тадқиқ қилувчилар айтадиларки, одамийлик рисоласининг дарсларини ўқишга азим қилиб, бахтиёрлик кўчасига қадам қўювчи ҳар бир инсонга, аввало, шарму одоб қоидасини ёд олмоқ шартдир. Токи бахт муаллимининг йўлланмаси билан ҳаёт қонунининг илмини идрок қилишда билимли ва уста бўла олсинки, ҳақиқатан ҳам, инсоният учун одоб ажойиб тож ва одамийлик безаги учун қимматбаҳо гавҳардир.

Барҳурдор ибн МАҲМУД.

• Тарбия таъсир қиладиган кишилар уч тоифага бўлинадилар:

Биринчиси — ҳануз оқ билан қорани танимаган бола. Унинг табиати ҳали ёмонлик ғубори билан булғанмаган, юраги эса ботил ишлар зулмати билан қораланмаган бўлади. Бундай болага насиҳат тез таъсир қилади. Бундай болани тўғри йўлга осонлик билан ўргатиш мумкин.

Иккинчиси — оқ билан қорани ажратадиган бўлиб қолган бола. Улардан баъзилари ўз нафсини ғалабаси билан яхшилик томонга бурила олмай юрган бўлади. У қилаётган ишининг ёмонлигини билади. Нуқсонларини эса эътироф этади. Бундай одамни тарбиялаш биринчисига нисбатан қийинроқ, аммо унга доимий тарбия берилиб, ҳар хил насиҳатлар ва танбеҳлар бериб борилса, албатта яхши йўлга кириб кетади.

Учинчиси — оилада ботил хаёл ва фосид фикрлар билан ўсиб улғайган киши. У умр бўйи ноҳақ ишларни ҳақ деб билиб келган ва шунга астойдил эътиқод қўйган бўлади. Ёмонлик қилса ҳам уни ўзича яхшилик деб ўйлайди. Бундай кишини тарбия қилиш жуда оғир, Унинг тарбиясига киришиш — тирноқ билан қудуқ қазиш ёки ҳали қизиб чўғга айланмаган темирни болғалаш билан борабар.

Донолар яхши ёки ёмон ҳулқли бўлишни оилага боғлайдилар. Уларнинг айтишларича, бузуқ хотиндан туғилган ва разил ота қўлида тарбияланган фарзанддан яхшилик кутиш қийин. Чиройли ҳулқ офтобга ўхшайди, офтоб музни эритгани ёки сув тузни эритиб юборгани каби чиройли ҳулқ ҳам барча ёмонликларни эритиб юборади.

Абулбарокат ҚОДИРИЙ.

ЖОНЗОТЛАРНИНГ ТИББИЙ ХОСИЯТЛАРИ

ЗАЪН-ҚЎЙ. Анинг эркагига кабаш дерлар ва модасига миш дерлар. Ва форсий нарига (эркагига) гўсфанд дер ва ҳаммасига ҳам гўсфанд дер. Ва туркий қўй дер.

Ал-ҳукм-ҳалолдур.

ХОСИЯТИ. Қўй бошқа ҳайвонларга нисбатан кўп ноқобилдур ва камоли нодонлигидан агар ўз жинсидин бирин сўйсалар анинг ёнида турар ва ваҳшату нафрат қилмас. Ва кўб заиф ун-нафс ва-л-идрокдур (жони ва идроки заиф). Гўё бу важҳ анинг ҳалоллигига маҳсусдур.

Ва анинг этининг яхшиси бир яшардин то икки яшар бўлуб ва семуз бўлса. Ва яхши ери бўйнининг ва кабзасининг этидур. Ва қўй тўрт яшар ва ё андин зиёд бўлса эти ёмондур ва анинг ислоҳи (созловчиси) занжабил муробосидур. Фи-л-жумла анинг эти ва тамоми ери таърифидин мустағний (беҳожат) дур. Аммо анинг минин (миясин) емоқ аҳмоқлиқға ва нисёнга сабаб бўлур, Ва анинг шўрбосин сирка ва бол била емоқға одат қилинса ақлға баҳоят қувват бериб, қусмоқни дафъ этиб ва ҳафақонни дафъ (йўқ) қилур. Аммо баданни ориқ қилур.

Ва қўйни сўйгон вақтда анинг буйрак ёғидан совутмай, бир озини ютулса дами қисқонни ва сийдуки иссиқ бўлғонни дафъ қилур. Ва агар бир одамга зарба теккон бўлса қўйнинг этин ва ё терисин иссиқ вақтида анга ёпсалар ва совугондин сўнгра яна тозаласалар тез яхши қилур. Ва қўйнинг қонин иссиғ ҳолида қичувга ва қўтурга суртсалар нафъ қилур. Ва вабо айёмларида қўй этин емоқ жоиз эмастур.

Аммо қўйнинг ёмонроқ ери мини (мияси)дур. Аммо ҳар одам они емоқни орза қилинса, аввал они қайнатиб, қарақурт (зирк) била ва ё сумоқ (тотим) ва ё пива била емоқ керак. Аммо агар қудрат етса қўйнинг икки яшаридин ортуғин ва барчасининг минасин емаслик яхширокдур.

Ва Имом Дамарий дебдурким: «Қўчқорнинг бағрин (жигари)ни тоза вақтида қуйдуруб, тишни ювсалар рангин оқ қилур ва анинг шоҳин мевалик ёғоч остига кўмсалар меваси кўб бўлур ва агар бол идишин оқ эчкининг терисига чулғаб қўйсалар қаринча (қумуска) зарар қилмастур.»

Ас-Саъиду-с-САМАРҚАНДИЙ.

Аломат гаплар

ЭНГ БАДАВЛАТ КИШИ

Дунёнинг энг бадавлат кишиси Бруней султони дейилса, кўпчилик ишонмаслиги мумкин. Ваҳолонки, унинг оиласи жаҳон бўйича ҳаммадан кўп — 37 миллиард долларлик бисотга эга. Унинг бойлиги нефть, табиий газ ва хусусий мулкдан иборат. АҚШлик бадавлатлардан Вэлтен оиласи ўзининг бутун дўконлар мажмуидан иборат, жами 23,5 миллиард долларлик бойликка эга эканн маълум. Форрест Марс эса ширкатлар гуруҳига бошчилик қилиб, 14 миллиард долларлик бисоти билан бадавлат кишилар ўртасида учинчи бўлиб турибди. Унинг ҳамюртлари Самуэл Нюхауз Жр. нашриёт ва матбуот тарқатиш ишлари бўйича 10 миллиардга эга бўлиб бойлар қаторида 5-ўринда турган бўлса, Жон Вернер Клуджнинг хусусий мулк капитали 8.8 миллиардга етган. Шунингдек, япониялик Минору Морининг бисоти 13, Қирол Фаҳд (Саудия Арабистони) нинг бойлиги 10 миллиард доллар ҳисобланади.

КИМГА ИТ, КИМГА МУШУК

Оврупо мамлакатларида уй ҳайвонларига ўзига хос қараш бор. Маълум бўлишича, бельгияликлар мушукни силаб-сийпалашса, французлар ит етаклашни маъқул кўрар эканлар. Аниқланишича, аҳолиси 10 миллион атрофида бўлган Бельгияда 2 миллионта мушук, 1,4 миллионта ит бор экан. Қизиғи шундаки, фақат мушукларни овқатлантириш учун йилига 5 миллиард франк (қарийб 150 мл. доллар) сарфланармиш. 10 миллиондан ортиқ ит боқилаётган Францияни эса «Итлар жаннати» деб юритилаётгани ҳам бежиз эмас.

АРАВАСИГА ТУШГАЧ...

Олмонияда 50 мингдан ортиқ аёли мусулмон бўлганлиги маълум бўлди. Умуман, Ислом динини қабул қилган 100 минг нафар олмонияликнинг ярмини аёллар ташкил қилар экан. Кўпчилик мусулмон йигитига турмушга чиққан аёллар Исломни қабул қилишмоқда, деган фикрни билдирмоқда. Айни пайтда, мусулмон йигит билан турмуш қурмаган 8 минг нафар олмон аёлининг ихтиёрий равишда мусулмон бўлганлиги ҳам маълум. Қизиғи шундаки, бу аёллар эрларининг эътирозларига қарамай, ислом динини қабул қилмоқдалар. Оилавий зиёфатларда аёллар билан эркаклар алоҳида ўтиришини талаб қилмоқдалар. Ҳозир Олмония мусулмонлари ихтиёрида 700 та жоме масжиди бор.

ҲАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР

ДУШАНБА, 24

ЎзТВ I

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Вася исмли бола ва овчи мушук ҳақида". Мультфильм.
18.20 "Ёшлик" студияси. "Яхшиларга эргашиб".
18.55 "Ўзбек давлатчилиги тарихи".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Тўхтасин Жалилов номидаги халқ чолғу оркестрининг концерти.
20.30 Телеоператор нигоҳида: "Хива".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Ватанни севмоқ иймондандир..."
22.20 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 1-қисм.
23.40 Эълонлар.
23.45—00.10 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Кўзмунчоқ".
19.00 "Шифокор билан мулоқот".
19.45 "Деҳқон ҳиммати".
20.15—21.50 "Ҳамма нарсани бир лаҳза ҳал қилади". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
18.10—20.45
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45—00.20

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Дўстлар сайёраси".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
*

"ОМАД" таништиради:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 Жаҳон географияси.
21.35 Эълонлар.
21.40 Видео — "О".
23.20 Эълонлар.
23.25 "Курьер".
23.45 "...яна об-ҳаво ҳақида".
23.55—00.05 "Постфактум".

СЕШАНБА, 25

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 1-қисм (такрор.).
9.20 Немис тили.
9.50 "Кашф этилаётган имкониятлар".
10.10 "Абитуриент-95". Физика.
10.50 "Ёшлик" студияси. "Мактубларингизни ўқиб".
11.20 — 13.20 "Умидлар йили". Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Беодоб бола". Мультфильм.
18.20 "Таълим ва ислоҳот".
18.50 "Муножат қилса кўнгиллар". Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ҳадя Юсупова ва хонанда Раҳима Носировалар куйлайди.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Ижоднинг қўш қаноти". Ойбек таваллудининг 90 йиллигига.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Мен туғилган тупроқ".
21.50 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 2-қисм.
23.10 "Олтин мерос". Ўзбекистон халқ артисти Назира Аҳмедова.
23.40 Эълонлар.
23.45 — 00.10 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Мультфейерверк".
19.00 "Табиат дунёси".
19.50 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
20.10 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
21.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.25 Видеогид.
21.45 "Теле-ателье-шоу".
21.55 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
22.35—00.15 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30—8.00
***
18.10—20.40
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.40—23.55

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Ёзги бог". Телефильм.
19.05 Шарқ тароналари.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Вазият".
20.20 "Қиймат ва қиммат".
20.55 "Чинсэн" (корейс тилида).
21.35 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.45 "Соккер-клуб".
22.30—22.40 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

ЧОРШАНБА, 26

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 2-қисм (такрор.).
9.20 "Ёшлик" студияси. "Ёшлар ва замон".
10.00 "Абитуриент-95". Математика.
10.30 "Теран томирлар". Адабий кўрсатув.
11.00 Шифокор маслаҳати.
11.10—13.10 "Биз танлаган йўл". Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Кичкинтой" студияси. "Кўнгироқча".
18.40 Спорт хабарномаси.
18.55 "Буни умр дерлар..."
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 Ўзбекистон халқ артисти Таваккал Қодиров куйлайди.
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Фармон ва ижро".
22.30 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 3-қисм.
23.50 Эълонлар.
23.55—00.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 "Ўзим ҳақимда..."
19.00 "Мусиқий меҳмонхона".
20.00 "Оқ йўл!"
20.20 "02" тўлқинида.
20.45 "Тошкент оқшомида".
21.45—23.25 "Кинематограф".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30—8.00
***
18.10—20.45
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45—23.40

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Мультқарусель".
19.00 "Салом, Тошкент!" Сосо Павлиашвили куйлайди.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
*

"ОМАД" таништиради:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45—23.45 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".

ПАЙШАНБА, 27

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 3-қисм (такрор.).
9.20 Ўзбек тилини ўрганамиз.
9.50 "Қишлоқ стадионларида".
10.10 "Абитуриент-95". Она тили ва адабиёт.
10.40 "Аньана ва замон".
11.30—13.30 "Ёшлик" видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 "Гулғунчалар".
18.30 "Ҳуқуқий жамият сари".
18.55 "Фан уфқлари".
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Рақслар гулдастаси".
20.20 "Юзма-юз".
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Ўзбекистон телевидениесида вилоят студияларининг кўрсатувлари. Экранда — Жиззах вилояти.
22.10 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 4-қисм.
23.30 Эълонлар.
23.35—24.00 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

18.30 "Омад" тақвими.
18.35 Кунгил.
18.40 "Муҳаббатга ошно қалблар".
19.00 "Ишингиз бароридан келсин!"
19.10 "Теле-ателье-шоу".
19.20 Видео янгиликлари.
19.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
20.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.15—22.55 "Кинонигоҳ".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30—8.00
***
18.10—20.40
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.40—00.45

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10—18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Мультқарусель".
19.00 "Ўзбекистон — қадрдон уйимиз".
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
20.50 "Дидар" (қозоқ тилида).
21.30—22.25 "Дунё ва биз".

ЖУМА, 28

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 4-қисм (такрор.).
9.20 Немис тили.
9.50 "Ёшлик" студияси. "Муъжизалар оламида".
10.20 Халқ ижодиёти.
10.50 Сирдарё вилоят Боёвут тумани "Ширинжон" ашула ва рақс ансамблининг концерти.
11.20 "Ўқитувчилар, Сизлар учун!"
11.50 "Хотира". Теша Сайдалиев.
12.30 — 14.30 "Маърифат" видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Бугун". Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. "Санъат гунчалари".
18.55 Санъат олами.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш керак!"
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 "Маърифатнома".
22.00 "Ҳофизлар хониш қилганда".
22.30 ЎзТВ хазинасидан. Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 5-қисм.
23.50 Эълонлар.
23.55—00.20 "Ўзбекистон" ахбороти.

ЎзТВ II

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Ёшлар ижро этадилар.
19.00 "Ўтмишсиз келажак йўқ".
19.30 "Билиб қўйган яхши!"
19.55 "Маънавий камолот".
20.20 "Шаҳар юмушлари".
21.20—22.45 "Хевсур қиссаси". Бадиий фильм.

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
6.30—8.00
***
18.10—20.45
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45—00.20

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

17.10 — 18.45 Туркия телевидениеси.
*
18.45 "Мультқарусель".
19.00 Чет эл эстрадаси артистларининг концерти.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
*

"ОМАД" таништиради:

19.50 Эълонлар.
19.55 "Санта-Барбара". Телевизион бадиий фильм.
20.45 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.05 "Компьютер-Осиё".
21.35 "Ҳамма табассум учун!".
22.05 "Америка юлдузлари".
22.35 Эълонлар.
22.40 "Даракчи".
22.50 Эълонлар.
22.55 — 00.35 Видео — "О".

ШАНБА, 29

ЎзТВ I

6.00 — 8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 Пиримқул Қодиров. "Бобур". Видеофильм. 5-қисм (такрор.).
9.20 Халқаро конкурс лауреатларининг концерти.
10.00 Мактаб ўқувчилари учун. "Яшил чироқ".
11.00 "Ёшлик" студияси. "Талабалар саҳнасида".
12.15—14.15 "Маънавият" видеоканали.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультфильм.
18.15 "Ёшлик" студияси. "Иқбол".
19.15 Спорт хабарномаси.
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 Эълонлар.
19.55 "Мозийга бир назар".
20.30 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
20.40 Оқшом эртаклари.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ўзбекистон" ахбороти.
21.25 Эълонлар.
21.30 Азим Муллахонов ва Юлдуз Абдуллаева концерти. "Туркистон" саройидан ёзиб олинган.
22.20 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
22.30 "Тунги ёғду". Дам олиш кинодастури.

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

9.00 "Мультфейерверк".
9.30 "Табиат дунёси".
10.20 "Хусусийлаштириш: қадам-бақадам".
10.40 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
11.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
11.55 Видеогид.
12.15 "Теле-ателье-шоу".
12.25 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
14.45 —18.30 "СПОРТ ҚИТЪАСИ".
***

"Тошкент" студияси таништиради:

18.30 Болалар учун. "Табассум".
19.10 Ёз ҳикоялари.
19.50 "Менинг кучам".
20.10 "Пульс". Хабарлар.
20.20—22.00 "Кинематограф".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.25—20.45
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45—01.00

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

10.00 "Уммондан томчи".
10.35 "Безнен мирас" (татар тилида).
11.15 "Умид" (уйғур тилида).
11.55 — 13.00 "Бунча ёқимтой бўрилар". Болалар учун фильм.
* * *
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мультқарусель".
18.55 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.20 "Чинор барглари". Телефильм.
19.30 "Ўзбекистон" ахбороти (рус тилида).
19.50 "Ёшлик" студияси. "Гул ва..."
20.25 "Кашфиётлар ва ихтиролар".
21.00 "Би-Би-Си" янгиликлари.
21.10 "Рангинкамон" (тожик тилида).
21.55 "Бу ажиб дунё".
22.15 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.
22.25—23.25 "Деҳқон даладан қайтди".

ЯКШАНБА, 30

ЎзТВ I

6.00—8.00 "Ассалом, Ўзбекистон!" Тонгги дам олиш кўрсатуви.
*
8.00 "Камалак". Болалар учун кинодастур.
9.15 "Қувноқ стартлар".
10.00 "Ёшлик" студияси. "Ватанимга хизмат қиламан".
11.00 "Қўшиқларим сизга армуғон".
11.30 "Оталар сўзи— ақлнинг кўзи" почтасидан.
12.30 "Ханда". Телевизион миниатюралар театри.
13.30 —15.30 "Нурли келажак". Видеоканал.
***
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 "Мультипанорама".
18.30 "Бир ялқовнинг ҳийласи". Болалар учун телеспектакль.
19.05 "Ойнаи жаҳонда..."
19.25 Эълонлар.
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 Эълонлар.
20.05 "Санъат усталари", Халқ артисти Саодат Қобулова.
20.55 Эълонлар.
21.00 "Ҳафтанома".
21.30 Эълонлар.
21.35 ЎзТВ экранида— кинокомедия. "Кўзларим йўлингда" ("Ўзбекфильм").
22.55 Эълонлар.
23.00—23.30 "Ҳафтанома".

ЎзТВ II

"ОМАД" таништиради:

10.00 "Омад" тақвими.
10.05 "Кунгил".
10.10 "Муҳаббатга ошно қалблар".
10.30 "Ишингиз бароридан келсин!"
10.40 "Теле-ателье-шоу".
10.50 Видео янгиликлари.
11.10 "Тропиканка". Телесериал (Бразилия).
12.00 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
12.45 — 14.30 "Кинонигоҳ".
***
17.00 "Совға".
17.30 "Салом, Ёшлар!"
18.10 Жаҳон географияси.
19.00 Эълонлар.
19.05 Видео—"О".
20.45 Эълонлар.
20.50 "Курьер".
21.10 "... яна об-ҳаво ҳақида".
21.20 "Постфактум".
21.30 "Эм-Ти-Ви" оҳанглари ва Эълонлар.
21.50 "Теле-ателье-шоу".
22.10 "Ҳамма табассум учун!".
22.40 Эълонлар.
22.50 "Даракчи".
23.00 Эълонлар.
23.05—00.45 Видео—"О".

ЎзТВ III
РОССИЯ ЖАМОАТЧИЛИК ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
17.20—21.45
*
РОССИЯ ТЕЛЕВИДЕНИЕСИ
20.45—00.05

ЎзТВ IV
ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ

9.00 Аэробика.
9.15 "Жонли сайёра".
9.45 "Эй! Тонгингиз хайрли бўлсин!" Мультфильм.
10.15 "Коллекция".
10.35 "Менинг кучам".
10.50 "Эртакларнинг сеҳрли олами".
12.35—12.45 "Ўзбекистон янгиликлари" (инглиз тилида).
* * *
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 "Мамлакатлар, воқеалар, одамлар".
19.00 "Ташрифлар ва таклифлар".
19.30 "Ҳафтанома" (рус тилида).
20.00 "Сизга таъзим".
20.30 "Интилиш" (Экология ва саломатликнинг халқаро муаммолари ҳақида).
21.10 "Дурдаршн" телекомпаниясининг кўрсатувлари.
22.10 "Би-Би-Си" янгиликлари.
22.20 "Ҳамкорлик — тараққиёт нишонаси".
23.00 "Бу ажиб дунё".
23.20—23.30 "Си-Эн-Эн" янгиликлари.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Котибияти Сирғали туман партия кенгаши биринчи котиби Е. А. Исҳоқовага турмуш ўртоғи **Муҳаммаджон ИСҲОҚОВ**нинг бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Тошкент шаҳар Ички ишлар Бош бошқармасининг жамоаси истеъфодаги милиция подполковниги Қадамбой Собировга умр йўлдоши **Бибиражаб СОБИРОВА**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

«Ўздеҳқонсаноатбанки» бошқаруви Ўзбекистон Марказий банки бошқаруви раисининг муовини Ҳикматулла Юнусовга падари бузруквори **СОБИРЖОН ота**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Бошқотирма

«ТУРОНЗАМИН»



Қуйида таърифлари баён этилган сўзлар шаклда рақамли хоналардан «занжир» ҳолида ёзилади.

1. Курраи замин сайқали, деб ном олган қадимий шаҳар. 2. Қозоқ халқларининг икки торли мусиқа асбоби. 3. Қирғизистоннинг Ўш вилоятидаги хушманзара, шифобахш тоғлик маскан. 4. Қозоғистондаги космодром. 5. Фарғона водийсидаги сопол буюмлари билан жаҳонга танилган туман. 6. Туркистон тизмасининг шимоли-ғарбий яйловларга бой тоғи. 7. Атоқли қозоқ адиби, «Абай йўли» асари муаллифи. 8. Тожикистондаги дарё, Амударёнинг асосий ўнг ирмоғи. 9. Ўзбек-тожик халқлари мусиқасининг намунаси. 10. Қозоғистон жанубидаги қумли чўл. 11. Туркман мумтоз шоири ва мутафаккири. 12. Қирғизистондаги оқмас, шифобахш сув манбаи. 13. Бухородаги XVI— XVII асрларга мансуб меъморчилик обидаси. 14. Ўзбекистон ва Тожикистон ҳудудларида яшнаган маскан. 15. Тожикистондаги улкан нурхона. 16. Марказий Осиё жанубида милоддан аввалги I-II асрларда ҳукм сурган подшолик давлати. 17. Туркманистоннинг ғарбидаги гумбазсимон қирлар. 18. Ўзбекистондаги қиммат-баҳо тош кони. 19. Шарқ халқларининг азалий байрами. 20. Тарихчи ва шоир Шарафиддин Али Яздийнинг машҳур асари. 21. Марказий Осиёдаги энг қадимий китоб. 22. Тожикистоннинг Қоратегин тизмасидаги олтингугурт маъдан сувли шифохонаси. 23. Қозоғистон Каспий бўйи пасттекислиги ва Уст-Юрт ҳудудида жойлашган вилоят. 24. Марказий Осиёдаги қумли саҳро. 25. Фарғона водийсидаги кон. 26. Севги, садоқат, жасорат, дўстлик ва ватанпарварлик куйланган қозоқ халқ эпоси. 27. Тожикистондаги қадимий шаҳар. 28. Алмати яқинидаги спорт иншооти. 29. Тошкент вилоятидаги кўмир кони. 30. Республика пойтахти.

Тузувчи Фозилжон ОРИПОВ.

Футбол

Халқаро мусобақа

ИККИ УЧРАШУВ

• **Ўзбекистон миллий терма жамоаси футболчилари Малайзияда ўтказилаётган халқаро мусобақада иштирок этишмоқда.**

Янги бош мураббий Александр Иванков устозлик қилаётган 18 футболчидан иборат терма жамоамиз дастлабки учрашувини Венгрия футболчилари билан ўтказишди. Учрашув қизғин ва муросасиз баҳсларга бой бўлди. Тўплар асосан учрашувнинг иккинчи қисмида дарвозага йўлланди. Ойбек Усмонхўжаев билан Нўъмон Ҳасанов киритган тўплардан кейин умумий ҳисоб 2:2 бўлиб турган эди. Ўйин тугашига саноқли дақиқалар қолганда яна бир тўп ўтказиб юборилди. Афсуски, вақт тугаб хатони тузатишнинг имкони бўлмади. Футболчиларимиз иккинчи учрашувни Болгария терма жамоаси билан ўтказишди. Ҳисоб - 0:0.

ПАХТАКОРЧИЛАР ХОТИРАСИ

• **Авиация ҳалокатига учраган «Пахтакор» футбол жамоасининг хотирасига бағишланган анъанавий мусобақани бу гал халқаро миқёсда ўтказилиши кутилмоқда.**

Хотира мусобақаси 1-11 август кунлари давом этади. Учрашувлар «Чилонзор», МҲСК, «Тўқимачи», Олимпиада ўринбосарлари билим юрти ўйингоҳларида бўлади. Мусобақада эса Прокопьевск, Алмати, Бишкек ва Шаҳристон шаҳарларидан келган футболчиларнинг иштирок этиши мўлжалланмоқда. Шунингдек, Навоий, Андижон, Наманган, Самарқанд вилоятлари ҳамда «Трактор», «Пахтакор», «Тўқимачи» МҲСК, РОУБЮ футбол жамоалари ўзаро куч синашадилар. Мусобақага «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси билан Чилонзор тумани ҳокимлиги ҳомийлик қилмоқда.

КУЛГУДАН ОЛАМ ЯШАРТАЙ

Операция столида ётган бемор жарроҳга деди:
— Доктор, маскангизни ечишингиз мумкин — мен барибир сизни танидим.

***

Брежнев бош котиблик лавозимига ўтирганида сўрашди:
— Сизни энди қандай деб атасак?
— Жўнгина қилиб, Ильич дея қолинглар.

***

Брежнев ҳисобот маърузаси қиларди. Залда икки киши кулгудан ўзини тўхтатолмасди. Ахири уларни олиб чиқишди. Бири иккинчисига:
— Мен сенга айтдим-ку, бу одам Брежнев деб. Сен эса нуқул Райкин, Райкин дейсан.

***

Кремль коридорида Брежнев Сусловни учратди.
— Лёня, — сўради Суслов, — нега ботинкангнинг биттаси сариқ, иккинчиси қора?
— Биласанми, Миша, буни мен ҳам пайқадим. Қайтиб борсам уйда ҳам биттаси сариқ, биттаси қора ботинка турибди.

***

Брежнев неварасини ўйнатарди.
— Катта бўлсанг ким бўлмоқчисан?
— Бош котиб!
— Бизга иккита бош котибнинг нима кераги бор?

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Бош муҳаррир: Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати:
Абдулла ОРИПОВ, Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ, Азиз НОСИРОВ, Аслиддин БОЛИЕВ(масъул котиб), Ислом ШОҒУЛОМОВ, Хайрулла ЖЎРАЕВ, Шоқосим ШОИСЛОМОВ, Шуҳрат ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари).

БЎЛИМЛАР:
Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 33-20-36, 36-54-35.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 36-26-70, 36-57-19.
Иқтисодиёт — 33-21-43, 36-57-22.
Фан ва маданият — 33-07-20, 36-33-40.
Хатлар ва оммавий ишлар — 33-76-04, 36-54-06.
Ахборот ва спорт — 33-12-56, 36-55-16.
Халқаро ҳаёт — 33-47-80, 33-12-16.
Реклама ва эълонлар — 33-38-55, 36-54-12.

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:
Андижонда -- 5-27-11; Бухорода -- 3-54-87; Гулистонда -- 2-26-22; Жиззахда -- 3-31-86; Навоийда -- 3-75-43; Наманганда --6-43-43; Нукусда -- 7-58-83; Самарқандда -- 35-22-90; Тошкентда-- 33-54-55; Урганчда -- 6-51-35; Фарғонада -- 26-37-16; Қаршида --